БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 111 (18.887). ● Сешанба, 15 май 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Маориф ва ҳунар-техника таълими системасининг педагог кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетлари, СССР Маориф министрлиги, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети зиммасига, умумий таълим мактаблари, олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари бўлган министрликлар ҳамда идоралар зиммасига қуйидагиларни юкладилар:

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларига ҳамда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига мувофиқ педагог кадрлар тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштиришни таъминласинлар;

халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими системаси учун кадрлар тайёрловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари педагогик коллективларининг, партия ташкилотларининг куч-ғайратларини мутахассисларга ғоявий ва ҳунар таълими бериш савиясини ҳар томонлама оширишга қаратсинлар, уларни партия сиёсатининг актив тарғиботчилари, юксак гражданлик бурчини англайдиган, меҳнатсевар, ахлоқий пок, ўткир зеҳнли ва маданиятли кишилар қилиб тарбияласинлар;

бўлажак ўқитувчиларни (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш, таълимни унумли меҳнат билан бирлаштириш вазифаларини ҳал этадиган қилиб тайёрлашни кучайтирсинлар.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қуйидагилар топширилди:

педагогика институтларининг ва университетлар педагогика бўлимлари (факультетлари)нинг студентлари педагогика практикасини I курсдан IV (V) курсгача жорий этсинлар;

ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини тайёрловчи ҳар бир ўқув юртига умумий таълим мактабларини, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларини ҳамда мактабдан ташқари муассасалар педагогика практикасини ва бошқа таълим-тарбия ишларини ташкил этиш учун база сифатида бириктириб қўйилсин;

педагогика институтларининг ва университетлар педагогика бўлимлари (факультетлари)нинг студентлари «Мактаб ўқувчиларига касб танлашни ўргатиш» курсини ўрганишини кенгайтирсинлар;

ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини тайёрловчи ўқув юртларининг ўқув планлари ва программаларини шунга мувофиқ равишда қайта ишлаб чиқсинлар.

Қарорга биноан СССР Госплани, СССР Маориф министрлиги, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари:

маориф ва ҳунар-техника таълими системасининг педагог кадрларини тайёрлаш ва тақсимлашни планлаштириш ҳамда улардан фойдаланишни яхшилашлари;

ўқитувчилар (муаллимлар) ва тарбиячилар тайёрлашни кенгайтиришлари, 1990 йилга борганда педагогика институтларига қабул қилишни 200—225 минг кишига, шу жумладан кундузги таълимга қабул қилишни 135—150 минг кишига ва педагогика билим юртларига қабул қилишни 160—165 минг кишига, шу жумладан кундузги таълимга қабул қилишни 145 минг кишига етказишни назарда тутишлари;

Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон районлари ва ишлаб чиқарувчи кучлари интенсив ривожланаётган бошқа районлар учун педагог кадрлар тайёрлашни кенгайтиришга алоҳида эътибор беришлари;

бир қанча университетларда педагогика бўлимлари (факультетлари)ни қўшимча равишда ташкил этишлари, 1986—1995 йилларда шу бўлимларни битириб чиққан кишиларни педагог кадрларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ умумий таълим мактабларига ва ҳунар-техника ўқув юртларига юборишни кўпайтиришлари;

мамлакатда инженер-педагогика таълимини янада ривожлантириш чораларини кўришлари, олий ўқув юртларининг инженер-педагогика факультетлари (бўлимлари) оқилона жойлаштирилишини, уларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланишини, мутахассислар тайёрлаш профилини кенгайтиришни таъминлашлари;

педагогика институтларида «Рус тили ва адабиёти», «Она тили ва адабиёти», «Тарих», «Математика», «Физика», «Умумий техникавий фанлар ва меҳнат» ихтисослари бўйича таълим муддатини беш йилга аста-секин ўтказишлари керак.

Ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишнинг самарали формаларидан бири бўлмиш ишлаб чиқаришдан ажратилмаган олий педагогика таълимини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур, деб топилди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Маориф министрлигига ва СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига бошланғич синфларнинг ўқитувчиларини ҳамда ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан боғлиқ бўлган бошқа ўрта педагогика таълими ходимларини педагогика институтларининг сиртқи ва кечки бўлимларига қабул қилишни кўпайтириб, улар учун таълим муддати қисқартирилган махсус группалар ташкил қилиш таклиф этилди. Ўрта педагогик маълумотга ва камида бир йиллик педагогик иш стажига эга бўлган ўқитувчилар (муаллимлар), тарбиячилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органларининг йўлланмаларига мувофиқ ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари тайёрловчи олий ўқув юртларига ишлаб чиқаришдан ажратмай ўқитиладиган тегишли ихтисослар бўйича суҳбатлашув натижаларини асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда:

ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари тайёрловчи олий ўқув юртларида ўқиш учун ёшларни танлаб олишни яхшилаш, шу ўқув юртларига мактабларнинг ва ўрта ҳунар-техника билим юртларининг педагогика кенгашлари, меҳнат коллективлари, комсомол комитетлари тавсиялари билан ўқишга киручи кишилар учун енгилликларни кўзда тутиш; халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими маҳаллий органларининг йўлланмалари билан олий педагогика ўқув юртларига аниқ мақсад билан қабул қилиш практикасини ривожлантириш; олий педагогика ўқув юртларига йигитларни янада кўпроқ қабул қилиш чораларини кўриш таклиф этилди.

Инженер-педагогика ихтисослари бўйича кадр тайёрловчи олий ўқув юртларида ўқиш учун, одатда, ўрта ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқувчилар ҳамда ишлаб чиқариш ихтисосига эга бўлган ва педагогик фаолиятига майл қўйган ишчи ва қишлоқ ёшлари қабул этилади, деб белгилаб қўйилади.

СССР Маориф министрлиги билан СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги:

олий педагогика ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, бу ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишини ривожлантириш учун шароит яратиш тадбирлари системасини амалга оширишлари;

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги олий аттестация комиссияси билан биргаликда мазкур ўқув юртларининг илмий-педагог кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишни янада такомиллаштиришни таъминлашлари, психология-педагогика ихтисослари бўйича илмий даража берувчи ихтисослаштирилган советлар тармоғини кенгайтиришни кўзда тутишлари зарур.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Маориф министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига СССР Госплани ва СССР Молия министрлиги билан биргаликда: 1986 йилдан бошлаб олий педагогика ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составини умумий сонининг ҳисоб-китоб нормаларини камайтириш тўғрисидаги; олий педагогика ўқув юртлари ходимларининг умумий таълим мактабларидаги, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларидаги, халқ маорифи органларидаги раҳбарлик ва педагогик иш вақти уларнинг илмий педагогика тажрибаларини ўтказишга қўшилиши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кончилик, металлургия, нефть ва ўрмон ихтисосларидаги студентлар ва ўқувчилар учун 1971 йил 18 октябрдаги 755- қарори билан белгиланган стипендия таъминоти 1986/87 ўқув йилидан эътиборан педагогика (шу жумладан инженер-педагогика) институтларининг, университетлар педагогика бўлимлари (факультетлари)нинг студентлари ва педагогика билим юртларининг ўқувчилари учун ҳам жорий этилади.

Педагогика билим юртларининг ўқувчилари педагогик практикасида бўлган даврда стипендия олишидан қатъи назар уларга практика ўтиш жойидан иш ҳақи тўлашга ижозат берилди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишини янада такомиллаштириш ҳамда ўқитувчилар (муаллимлар)нинг доимо ўз маълумотини ошириш учун шароит яратиш мақсадида СССР Маориф министрлиги билан СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига: педагог кадрлар билан илмий-методик ишлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, илғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш марказлари бўлмиш ўқитувчилар малакасини ошириш институтларини ривожлантиришни таъминлаш, бу институтларда тегишли кафедраларни очиш; СССР Педагогика фанлари академияси ҳузуридаги университетлар ва педагогика олий ўқув юртлари педагогика фанлари муаллимларининг малакасини ошириш институти қайта ташкил этилиб, шу академия ҳузуридаги Бутуниттифоқ халқ маорифи илмий педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтига айлантириш; ўқитувчиларни ва бошқа педагог ходимларни аттестациядан ўтказишни такомиллаштиришни таъминлаш, уларнинг малакасини, педагогик маҳоратини ва ижодий ташаббусини доимо ўстиришда мазкур аттестациянинг рағбатлантирувчилик ролини кўчайтириш топширилди.

СССР Маориф министрлиги билан СССР Педагогика фанлари академиясига халқ маорифи ходимларининг малакасини ошириш ўқув планлари ва программаларини ўқувчилар ва студентларга таълим ва коммунистик тарбия бериш соҳасида ошиб бораётган талабларга мувофиқ қайта ишлаб чиқиш, кадрлар малакасини ошириш системасининг ўқув юртларини зарур ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш, халқ маорифи ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши методларини активроқ такомиллаштириш тавсия қилинди.

Умумий таълим мактабларининг, ҳунар-техника ўқув юртлари ва педагогика билим юртларининг энг яхши ўрнак кўрсатган ўқитувчилари ва бошқа педагог ходимлари учун Н. К. Крупская номидаги 225 та мукофот таъсис этилди, бу мукофотни ҳар йили СССР Маориф министрлиги билан СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети бериб боради.

СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига: умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника ўқув юртлари ва педагогика билим юртларининг раҳбар кадрлари резервини вужудга келтириш ва унга таълим бериш тадбирларини кўриш, университетлар ва педагогика институтлари ҳузуридаги ўрта умумий таълим мактаблари директорларининг малакасини ошириш факультетларини қайта ташкил этиб, халқ маорифи ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультетларига айлантириш таклиф қилинди.

Резервга киритилган кишилар учун ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ва мазкур факультетларда таълим олишнинг 3 ойлик муддати белгиланади. Таълим даврида улар учун СССР Министрлар Советининг 1968 йил 27 декабрдаги 1035-сон қарорида кўзда тутилган моддий таъминот тартиби жорий қилинади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига, касаба союз советлари ва комитетларига педагог кадрлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муқим бўлиб қолишлари тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш, маориф ходимлари уйларининг, ўқитувчилар уйларининг фаолиятини яхшилаш ҳамда уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш; ҳар бир область марказида маориф ходимлари уйи бўлиши учун шундай муассасалар тармоғини кенгайтириш; умумий таълим мактаблари билан ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва

(Давоми иккинчи бетда).

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

ШИЖОАТ

Республикамиз далаларида экинларни парвариш қилиш қизғин паллага кирди. Бехато униб чиққан ниҳолларга меҳр билан ишлов берилмоқда.

Самарқанд область Пайариқ районидаги «Ленинград» колхозининг деҳқонлари ҳам ғаннимат кунлардан унумли фойдаланиб, бир минг 300 гектар майдонда қийғос униб чиққан ёш ниҳолларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Шу кунларда хўжалик деҳқонлари ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бермоқдалар. Айниқса, тажрибали механизаторлар бу ишда алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Улар ўртасида авж олган социалистик мусобақада Анвар Сандабоев пешқадамлик қилмоқда. У қарийб 20 йилдан бери механизаторлик қилиб, катта тажриба орттирган миришкор деҳқондир. Суратда: Анвар Сандабоев.

Ж. Тўраев фотоси.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

● Хатирчи районидаги Ленин номли колхозининг Карим Мусинов бошлиқ бригадаси пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси-нинг 60 йиллигини ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш билан нишонлашга аҳд қилишган. Доимо ваъдасига вафодорлар чигитни юксак агротехника муддатларида сифатли экиб олганликлари туфайли далалар ям-яшил тусга кирди. Тўла гектарлар ҳосил қилинди.

Айни кунларда экин парвариши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бунда сифатга алоҳида эътибор бериляпти. Қ. Бобохонов, Б. Бўриев, Н. Самандаров, А. Тойлоқов каби механизаторлар ўзаро мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Шунингдек хўжаликнинг Т. Ҳакимов, Ж. Тожиев, Б. Йўлдошев, М. Маҳмудов бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши қизғин давом эттирилмоқда.

Е. МУҲАММАДИЕВ.

ТЕЗ ВА СОЗ

● Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз маккажўхорикорлари уруғни ўз вақтида сифатли экиб олган эдилар. Шу туфайли маккажўхори ернинг табиий намига бир текис ундириб олинди. «Дала маликаси» дастлабки даврда минерал ўғитларга анча талабчан бўлади. Буни яхши билган миришкорлар биринчи культивация пайтида ниҳолларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор беришди. Куни кеча иккинчи комплекс парвариш бошлаб юборилди. Культивациядан олдин қатор ораларига маҳаллий ва минерал ўғит аралашмаси солиняпти.

Парваришни тез ва соз ўтказишда Борис Ли бошлиқ звено аъзолари барчага намуна бўлишмоқда. Бу ердаги ниҳоллар айниқса баравж ривожланяпти. Хўжалик маккажўхорикорлари бу йил ҳар гектар ердан 85 центнердан дон, 450 центнердан силосбоп кўкпоя етиштириш мажбурияти-нини олишган. Далалардаги зарбдор меҳнат натижасида кун сайин кўкка бўй чўзаётган «дала маликаси» бу марра албатта эгалланишидан далолат беряпти.

Н. АБДУФАТТОҲОВ.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Испания қироли Хуан Карлос I билан қироличаси София 13 май куни Ўзбекистон ҳаёти билан танишдилар.

Испания қироли Хуан Карлос I Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов ҳузурида бўлди. Суҳбат вақтида олий мартабали меҳмонга халқ ҳокимияти йиллари мобайнида экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон эришган ютуқлар тўғрисида, республика меҳнатчиларининг тинчлик учун курашдаги иштироки ҳақида гапириб берилди.

Испания қироли Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

Испания қироли Хуан Карлос I билан қироличаси София Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларини, шаҳарнинг янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Улар республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройини бориб кўрдилар, метрополитен линияси поездида юрдилар.

Испания қироли ва қироличаси шарафига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номидан нонушта зиёфат берилди.

Испания қироли ва қироличасининг сафарида ҳамроҳлик қилаётган Испания расмий кишилари, шунингдек Испаниянинг СССРдаги элчиси Х. Л. Ксифра улар билан бирга бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. П. Калин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Ю. Е. Фокин, СССРнинг Испаниядаги элчиси Ю. В. Дубинин ҳам меҳмонларга ҳамроҳлик қилдилар.

Қирол Хуан Карлос I ва қиролича София Самарқандга бориб, қадимий шаҳарнинг архитектура ёдгорликлари ва янги қурилиш районлари билан танишдилар.

Испания қироли Хуан Карлос I ва қироличаси София ҳамда мамлакат бўйлаб сафарда уларга ҳамроҳлик қилган кишилар шу куннёқ Самарқанддан Ленинградга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ПКК Раиси М. С. Соломенцев бошчилигида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети делегацияси партиявий иш тажрибасини ўртоқлашиш учун ГБСП Марказий Комитетининг таклифига биноан 14 май куни Москвадан ГДРга жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Берлиндаги аэродромда делегацияни ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли марказий комиссиясининг раиси Э. Мюккенбергер кутиб олди. (ТАСС).

Омма билан алоқани тобора мустаҳкамлаб

Халқ ҳокимияти органларига сайланган Ўзбекистон пойтахтининг коммунистлари шаҳар экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш масалаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссани кўпайтиришлари керак бўлади. Тошкент шаҳар партия комитетининг 14 май куни бўлиб ўтган пленумида коммунистлар ишчанлигини, ташаббускорлигини янада кучайтириш, кенг омма билан алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирилди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми якунларини ҳамда шаҳар партия ташкилотининг Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг унда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар.

Шаҳар партия комитети биринчи секретари У. У. Умаров докладида, бошқа нутқларда Советларга партия раҳбарлиги форма ва методларини такомиллаштиришга, Советларнинг кўп томонлама фаолиятида ҳали мавжуд бўлган камчиликларни тезроқ бартараф этишга катта эътибор берилди. Советлар капитал қурилиш ва уй-жой қурилиши масалаларига ҳали етарлича эътибор бермаётганликлари қайд этиб ўтилди. Чунончи беш йилликнинг уч йили мобайнида планга нисбатан уч юз минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой камроқ қуриб топширилди. Қурилиш сифати ҳамон пастлигича қолмоқда. Бир қанча уй-жой массивларида социалмаиший объектлар қурилиши жуда орқада қолмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари, республика пойтахтининг кўп тармоқли хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини диққат марказидан четда қолдирмасликлари кераклиги уқтирилб ўтилди.

Пленум умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш билан алоқадор вазифаларни Советларнинг ишини такомиллаштириш масалалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда муҳокама этди. Мактаб муассасалари қурилиши суръатларини жадаллаштириш, мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясини ташкил этиш учун зарур шароитларни вужудга келтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

Ғарбий Европада Американанинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари ҳамон кўпайтирилаётганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида жавоб чораларини кўришга мажбурдирлар.

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги шартномага мувофиқ Ғарбий Европа мамлакатлари территориясида Америка ракеталари жойлаштирилишига жавоб чораси сифатида ГДР территориясида Совет Иттифоқининг анча олисроққа учириладиган оператив-тактик ракета комплекслари қўшимча миқдорда жойлаштирилади.

Кучлар мувозанатини сақлаб туриш ҳамда бизга ва иттифоқчиларимизга, жумладан Американанинг янги ракеталари жойлаштирилган йўналишлардан солинаётган конкрет хавф-хатарни даф этиш учун зарур бўлган чегараларга қатъий риоя этилган ҳолда бундан кейин ҳам Варшава Шартномасига қатнашувчи давлатларнинг жавоб чоралари кўрилаверади.

СОВЕТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

14 май куни Тошкентда халқ депутатлари қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетлари раисларининг республика семинари иш бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев семинарни қисқача нутқ сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленумининг талаблари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсиялар асосида қишлоқ ва поселка Советлари фаолиятининг демократик принципларини такомиллаштириш, уларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш мавзуида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми талаблари асосида территорияни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш асосида халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ролини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов доклад қилди.

XI—XII беш йилликларда республика халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари ҳамда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг роли тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов ўз докладида гапириб берди.

Семинарда Ўзбекистон ССРнинг бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари иштирок этмоқдалар.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда. **(ЎзТАГ).**

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

(Боши биринчи бетда).

бошқа педагог ходимларига биринчи навбатда уй-жой майдонини ажратиб бериш, улар учун кооператив қурилишини кенгроқ авж олдириш; қишлоқ жойларида ва ишчилар посёлкаларида педагог ходимларга якка тартибда уй-жой бинолари қурилиши учун кредитлар бериш, шунингдек уларнинг бунинг учун зарур бўлган бинокорлик материалларини билан таъминлаш таклиф этилди.

Қишлоқ жойларда совхозларга педагог ходимлар учун озиқ-овқат маҳсулотларини давлат чакана нархларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид этиш плани ҳисобидан сотишга рухсат берилди ва колхозларга ҳам шундай қилиш тавсия этилди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Маориф министрлигига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига педагог ходимларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш; ВЦСПС билан биргаликда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даврида профилактория ларда соғломлаштириш ҳамда даволаш практикасини кенгроқ ривожлантириш; олий педагогика билим юртлари ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтларини ҳузурида ана шундай профилакторийлар тармоғини бутун чоралар билан ривожлантириш топширилди.

ВЦСПС ёзги таътил даврида ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерларига санаторий-курорт хизматини яхшилаш чораларини кўради.

Умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларига биркитиб қўйилган база ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарларига ҳамда касаба союз ташкилотларига ўқитувчилар (муаллимлар) ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари учун санаторий-профилакторийларга, пансионатлар, дам олиш базаларига путевкалар ажратиб бериш, уларни идораларга қарашли медицина муассасаларига биркитиб қўйиш тавсия этилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети, иттифоқдош республикаларнинг ЛКСМ Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район комсомол комитетлари ёш педагоглар билан ишлаш даражасини оширишлари, ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўсишда ва профессионал жиҳатдан камол топишда, билимлар ҳамда илғор педагогика тажрибаси билан бойишда уларга бутун чоралар билан ёрдам беришлари; ёш педагогларга қулай меҳнат, турмуш шароитларини вужудга келтиришда, уларни ҳар томонлама маънавий ва жисмоний камол топтиришда комсомол комитетларининг, ўқитувчилар ва инженер-педагог ходимлар комсомол ташкилотларининг ролини кучайтиришга сабот билан эришишлари, ана шу ходимлар тақсимланган жойда айниқса қишлоқ жойларда ўқув юртларида мустаҳкам ўрнашиб қолишига кўмаклашишлари зарур.

Қарор иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига педагог кадрларни тарбиялашга, уларни сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўстиришга, ўқитувчилар (муаллимлар), ишлаб чиқариш таълими мастерлари, тарбиячилар ва халқ маорифининг бошқа ходимлари марксизм-ленинизм назариясини, КПСС сиёсатини, коммунистик тарбия актуал проблемаларини чуқур ўрганишларига, улар марксча-ленинча идеология ва социалистик турмуш тарзи қарор топиши учун фаол кураш методларини эгаллаб олишларига эътиборни кучайтириш вазифасини юклайди. Мамлакат ички ҳаёти ва халқаро аҳвол масалалари юзасидан педагог кадрлар мунтазам суратда ва ўз вақтида хабардор этилишлари таъминлансин. Умумий таълим мактаблари билан ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари (муаллимлари) ва ишлаб чиқариш таълими мастерларига сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётни биринчи навбатда сотиб олиш ҳамда даврий нашрларга обуна бўлишда афзаллик имконияти яратилсин. Партия қарорларини рўёбга чиқаришда, педагог коллективларни жипслаштириш ва мустаҳкамлашда, уларда соғлом маънавий психологик иқлимни, чинакам ижодкорлик муҳитини яратишда, уюшқоқликни, ҳар бир педагогнинг ўз меҳнати натижаси учун шахсий масъулиятини кучайтиришда ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларининг, коммунист ўқитувчилар (муаллимлар)нинг роли бутун чоралар билан оширилсин; энг яхши ўқитувчилар (муаллимлар)ни, тарбиячилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини КПСС сафига қабул қилиш ҳисобига ўқув юртларининг партия ташкилотларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилсин. Халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими муассасалари қандай ишлаётганлиги масалалари мунтазам суратда анализ қилиб турилсин.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар план органлари муассасалари раҳбарларининг «Ҳамкорлик проблемаларини ишлаб чиқиш ва биргаликда тадқиқотларининг самарадорлигини ошириш» мавзуига бағишлаб 14 май куни Тошкентда очилган кенгашида шу мамлакатларни иқтисодий ва социал ривожлантиришни прогнослаш масалалари, уларнинг ҳамжиҳат бўлиб ишлаш якунлари ва истиқболлари муҳокама қилинмоқда. Кенгаш беш кун давом этади.

Кенгаш ишида Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия намояндалари иштирок этмоқдалар.

Кенгаш программасида Тошкент ва Самарқандининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш, бир қанча корхоналар, колхозлар ва илмий-тадқиқот институтларига бориш кўзда тутилган. (ЎзТАГ).

● ЕРЕВАН

Арманистон театр жамияти ҳузурида ташкил этилган актёрлик студияси саҳна усталарини излаш ва тайёрлашга ёрдам бермоқда. Студия ташкил этилишидан олдин ўтказилган конкурсда республикадаги барча шаҳарлар ва районлардан келган уч юздан ортиқ йигит ва қиз қатнашди. Шулардан 50 киши пантомима ва актёрлик маҳорати бўлимларининг студентлари бўлдилар. Ёшлар тажрибали педагоглар ва саҳна арбобларининг раҳбарлигида танлаб олган касбларининг сирларини ўрганадилар. Ереван актёрлар уйи ҳузурида барпо этилаётган экспериментал труппада ёшлар амалий малака орттира оладилар.

● ФРУНЗЕ

Улуғ немис шоири Иоганн Гёте асарлари Тянь-Шань тоғликларининг тилида янгради. «Қирғизистон» нашриёти бугун «Фауст» автори танланган асарларининг тўпламини илк бор чоп этди. Китобга республиканинг энг яхши адиблари таржима қилган юзга яқин шеър, баллада, сонетлар киритилган. Кейинги йилларда Қирғизистонда Хемингуэй, Бальзак, Байрон, Лорка асарлари, чет эллик бошқа классикларининг, ҳозирги замон ёзувчиларя ва шоирларининг китоблари нашр этилди.

● КРАСНОВОДСК

Бугун 134 километрли Нефтдог — Красноводск қувур-арғи туташтирилди. Шу билан Қорақум каналидан Каспий денгизининг шарқий соҳилига пўлат қувур-арқ ётқизиш муддатидан қарийб ярим йил аввал битказилди. Бу қувур-арқ орқали шу йилнинг шаҳарга ҳар кун юз минг кубометр Амударё суви бериб турилади.

● СВЕРДЛОВСК

Янги шаҳар аэровокзали пассажирларни қабул қила бошлади. Бу ерда турли хизмат бўлимлари, шинам кутиш залн яхши жойлашган бўлиб ҳамма нарса саёҳатчилар учун қулай бўлишн кўзда тутилган. Ҳар йили бир ярим миллиондан ортиқ киши Свердловск авиаторларнинг хизматларидан фойдаланмоқда. Улардан юз минг киши Ўрта Осиё, Сибирь, Узоқ Шарққа шу ердан транзит билан учади.

(ТАСС).

ФИЛОСОФЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ФИЛОСОФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

КПСС XXVI съезди совет философлари олдига қаётда содир бўлаётган ҳодисаларнинг ўз вақтида умумлаштирнш, уннинг маъносини очиб бериш ва шу асосда марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришдан иборат масъулиятли вазифалар қўйган. Бугун Тошкентда «Диалектика ва ҳозирги замонда илмий билиш» мавзунда иш бошлайдиган иккинчи Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси философик тадқиқотларнинг муҳим йўналиши бўлади. СССР Философлар жамияти, унинг Ўзбекистон бўлими, республика Маориф министрлиги ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан уюштирилган конференциянинг қўшма ва бешта секция мажлисларида диалектика ва ҳозирги замондаги илмий билиш мантиқининг энг долзарб масалалари бўйича 150 га яқин илмий доклад ва қўшимча докладлар тингланади. Бу докладлар Москва, Ленинград, Харьков, Одесса, Новосибирск, Тошкент, Олмаота ва бошқа шаҳарларнинг етакчи олимлари томонидан тайёрланган.

Ҳозирги замонда дунёда юз бераётган мураккаб сиёсий жараёнлар, шунингдек, табиёт, ижтимоий ва техника фанларининг гуркираб ривожланиши олимлар олдига марксча-ленинча позицияда туриб изоҳлаб беришни тақозо этаётган кўпгина методик проблемаларни қўймоқда. Шу жиҳатга кўра, илмий билишда ва марксчи-ленинчи партиялар нинг амалий фаолиятида муҳим методологик функцияни бажарувчи материалистик диалектика проблемаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Гап шундаки, бизнинг ғоявий мухолифларимиз марксизмнинг революцион жони-қони бўлган материалистик диалектикага қарши хуружни авж олдирмоқдалар. Марксизмнинг очиқданочиқ ва ниқобланган душманларига қарши кескин курашда КПСС, бошқа коммунистик ва ишчи партиялар марксча-ленинча диалектикани доимо ривожлантириб бориб, уни революцион практикага ижодий қўлламоқдалар. КПСС XXVI съезди ҳужжатларида социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг фундаментал масалалари муваффақиятли ҳал қилинганлиги материалистик диалектика методини ижтимоий практикага моҳирона қўлланишнинг ажойиб намунаси, ленинчи партиямизнинг ана шу ўткир қуролдан пухта фойдалана билиш санъатидир.

Сўнгги йилларда диалектика назарияси ва ҳозирги замон фанининг методологик проблемалари бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш анча кенгайди. Академиклардан П. Н. Федосеев, М. Б. Митин, Л. Ф. Ильичев, Б. М. Кедров, В. Г. Афанасьев, Т. И. Ойзерман ва бошқа таниқли олимлар раҳбарлигида совет философлари кўпгина йирик коллектив монографик асарлар яратиб, философия фанини бойитдилар. Бу жиҳатдан иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистон олимларининг ҳам бирмунча диққатга сазовор ишлар қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур. Сўнгги ўн беш йил ичида республикамиз философлари Москва ва бошқа шаҳарларнинг олимлари билан ҳамкорликда диалектика назарияси ва илмий билишнинг актуал масалалари бўйича 30 га яқин монография ва тўплам яратдилар. Тўртта докторлик ва 50 га яқин кандидатлик диссертацияси ёқланди. Бу тадқиқотларда диалектика назариясининг кўпгина актуал масалалари янада ижодий ривожлантирилди.

Республика философлари социал билиш диалектикасини, жумладан, социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги умумий ва алоҳидалилик, миллий ва интернационал жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлигини, социал-синфий ва миллий муносабатлар диалектикасини ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшдилар. Республика олимларининг диалектика назариясини ишлаб чиқишдаги муваффақиятлари муносиб тақдирланди. Философия фанлари докторлари Ж. Тўленов, О. Файзуллаев ва К. Иванова, философия фанлари кандидатлари М. Абдуллаева ва П. Сеитов 1981 йилда фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Шуни айтиш керакки, бундан ўн йил муқаддам диалектика масалалари, одатда, диалектиканинг айрим масалалари бўйича айрим ташаббускор олимлар томонидан ишланган бўлса, эндиликда бу проблемалар коллектив равишда ишлаб чиқилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Философия ва ҳуқуқ институтида бир гуруҳ тадқиқотчилар диалектик материализмнинг билиш назариясини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг философия факультетида ҳозирги замон табиёт илмий билимининг методологик проблемалари муваффақият билан ишлаб чиқилмоқда. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг философия кафедрасида эса илмий билишда диалектиканинг асосий принциплари, қонунлари, категориялари ва элементларининг ўзаро алоқадорлиги масалалари ҳал қилинмоқда.

Лекин партия бизни эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмасликка даъват этади. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари талабларини назарда тутсак, ҳали кўп иш қилишимиз керак. Республика философ олимлари илмий ечимларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишлари, ўтказилаётган тадқиқотларни бир-бирига мувофиқлаштириш ишларини такомиллаштиришлари, фаннинг ҳаёт билан, партия ташкилотларининг идеологик фаоллияти билан алоқаларини тағин ҳам мустаҳкамлашлари керак.

Бугун иш бошлайдиган конференциянинг асосий вазифаларидан бири — диалектика проблемаларини ва илмий билиш мантиқини тадқиқ этишда олимлар эришган ютуқларни умумлаштириш асосида бугунги кун талабларига жавоб берувчи илмий тадқиқотларнинг бундан кейинги йўналишини белгилаб беришдир.

Конференция қатнашчилари республика олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходимлари билан учрашадилар, илмий муассасаларда, меҳнат коллективларида лекция ўқийдилар ва докладлар қиладилар. Бу конференциянинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ўтказилаётганлиги республика философларининг қардош республикалар ва мамлакатимизнинг йирик илмий марказлари олимлари билан азалий ижодий алоқаларини янада мустаҳкамлайди, философик тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашга самарали таъсир кўрсатади.

Республика олимлари конференция ишлаб чиқадиган тавсияларни назарда тутиб ҳозирги замон вазифаларидан келиб чиқувчи диалектика назариясининг актуал масалаларини ижодий ишлаб чиқиш йўлида янада фаол меҳнат қиладилар. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртларида ривожланишнинг кўп планли характерини, унинг тарихий жараёнда намоён бўлиш хусусиятларини, социал билиш ва ижтимоий практика учун ривожланиш принципининг, методологиянинг ролини ўрганишга бағишланган муҳим тадқиқот олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда диалектика қонунлари ва категориялари системасини янада ижодий ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, табиёт ва ижтимоий фанлар соҳасидаги янги кашфиётлар ўзаро муносабатлар ва шу асосда амал қилувчи қонуниятлар жуда мураккаб ва кўп қиррали характерга эга эканлигини кўрсатмоқда. Материалистик диалектика бундан кейин ҳам илмий билишнинг методи эканлик ролини муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун қонунлар ва категориялар системасида янги аниқланаётган қонуниятлар янада тўлароқ акс этиши керак.

Ҳозирги замонда илмий билишнинг характерли белгиси шундаки, система-структура анализи, моделлаштириш, формализация сингари тадқиқот методларидан кенг қўлланилмоқда. Бу илмий методлардан фойдаланишнинг қонуний жараёни бўлиб, баъзи тадқиқот авторлари уни диалектик методнинг ўрнини босадиган фикрлашнинг янги усули, деб билмоқдалар. Ваҳолонки, бундай хулоса чиқариш учун ҳеч қандай асос йўқ. Шу муносабат билан «фикрлаш услуби» тушунчасининг маъмунини марксистик философия позициясида туриб тушуниб олиш, фикрлаш услубининг асосий формаларини, бу усулнинг қўлланиш чегараларини белгилаб бериш, диалектиканинг умуммиллий фикрлаш услуби эканлиги аҳамиятини очиб бериш зарурати келиб чиқади. Бу масалалар ҳам Ўзбекистон философларининг илмий-тадқиқот ишларида муносиб равишда акс этган.

Ижтимоий, табиёт ва техника фанлари соҳасидаги янги кашфиётлар туфайли келиб чиқаётган мантиқ-гносеологик, методологик проблемалар ҳам чуқур тадқиқ этишни талаб этади. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун Ўзбекистон олимлари катта имкониятларга эгадирлар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номидаги Философия ва ҳуқуқ институтида, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетида, Беруний номидаги Тошкент политехника институти, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ва бошқа олий ўқув юртларида бир неча йилдан буён ҳозирги замон табиётшунослиги, илмий билишнинг методологияси ва мантиқининг философик проблемалари бўйича муҳим тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу тадқиқотлар базасида ҳозирги замон фанининг методологик проблемалари бўйича фундаментал асар тайёрлаш ва нашр этиш учун яхлит авторлар коллективини тузиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон олимлари социалистик турмуш тарзини, миллий муносабатларни, маданиятни ривожлантиришда, социализм ва коммунизм қурилишида диалектик умуммийлик ва алоҳидалиликни, объектив ва субъективликни ўрганиш борасида катта тажриба тўпланганлар.

Диалектика назариясининг юқорида айтилган ва бошқа актуал масалаларини ижодий ёритиш ҳозирги замонда илмий билишнинг чинакам мантиқи ва методологияси бўлган диалектика фанининг бутун бойлигини тўла ва чуқур очиб бериш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган июнь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари асосида философия фани олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

ИШЧИ ИБРАТИ

Наманган областидаги Косонсой шойи тўқиш фабрикаси коллективи ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига олинган юксак мажбуриятда давлат Сифат белгиси қўйилган халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан 5 процент оширишга аҳд қилинди. Мажбуриятни адо этишга илғор ишчи Мавжуда Қорнева (олдинда) муносиб ҳисса қўшяпти. У ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаб ҳаммасини юқори сифат билан топширишга муваффақ бўлмоқда.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

Қорақалпоғистон ремонт-қурилиш трестининг Беруний-даги маҳаллий корхонаси инженерн П. Эшбоев ва механик С. Нимолочковнинг рационализаторлик таклифлари шаҳарда ободончилик ишларини янада жадаллаштиришга яхши ёрдам берди. Улар асфальт-бетон тайёрлайдиган типовой қурилманн қайтадан серунум қилиб жиҳозладилар. Натижада бу қурилманинг иш унумн икки баравар ошди. Ҳозир ремонт-қурилиш трестида барча асфальт-бетон тайёрлайдиган қурилмалар қайта жиҳозланмоқда. Бу эса йўлларни ремонт қилиш суръатларини анча жадаллаштириш ва уларнинг сифатини ошириш имконини беради.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Олмалиқ автобус-таксомотор паркининг энг яхши шоферларидан Т. Шохмамедов «ЛАЗ—697» маркали автобуси билан капитал ремонтсиз бир миллион километр йўл босди. Ўз касбини пухта билган, техникага меҳр қўйган шофёрнинг бу ташаббуси колектив орасида кенг тарқалмоқда. Ҳозир у билан бирга хизмат қилаётган элликдан ортиқ шофёр автобусларни капитал ремонтсиз узоқ муддат бошқариш ҳаракатига қўшилдилар.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ангрен шаҳарсозлик бошқармасига қарашли йирик панелли уйсозлик заводи тўққиз қаватли уй-жой бинолари учун мўлжалланган темирбетон конструкцияларини ишлаб чиқаришга киришди. Бундай панелларни ишлаб чиқариш ва унн кенг йўлга қўйишда тошкентлик мутахассислар яқиндан ёрдам бердилар. Шу куплрда шаҳарнинг янги микрорайонларидан бирида завод тайёрлаб чиқараётган дастлабки панеллардан тўққиз қаватлик иморат қуришга киришилди.

Шартнома мажбуриятига риоя қилиш—қонун

БЎШАШУВЧИЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

ИККИ КОРХОНА—ИККИ МАНЗАРА

Тошкентдаги экскаватор ремонти ва енгил металл конструкциялари заводлари бир-биридан фарқ қилувчи корхоналардир. Уларни бир-бирига яқинлаштириб турган нарса — иккаласи ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда металлдан фойдаланади. Чунончи, экскаватор ремонти заводи ўтган йилнинг ўзида 9 минг тонна металл конструкцияси, 1500 тонна ностандарт ускуналар тайёрлади. Корхона коллективи шу йилнинг биринчи кварталида ҳам анчагина миқдорда ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди. Бунга ерларни ирригациялаш ва мелиорациялашда, сув хўжалиги қурилишида ишлатиладиган ўнлаб экскаваторлар, дизеллар, қувур ётқазувчи машиналар ремонтдан чиқарилганлигини қўшинг. Шунда ҳам завод планларни мунтазам бажариб келяпти.

Буларнинг ҳаммаси тўғри. Бироқ биз буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш интизоми ҳақида сўз юритмоқчимиз. Корхона директори Карим Рустамович Шарофутдинов ёш бўлишига қарамай, кўп нарсага улгуряпти. Шартномада белгиланган маҳсулот етказиб бериш мажбуриятининг бажарилиши унинг диққат марказида. Шунинг учун ҳам буюртмачилар ремонтга топширилган техника воситалари ўз вақтида ва аъло сифат билан созланишини яхши биладилар. Корхона республикадаги «Сурхандарьяводстрой», «Андижанводстрой», «Фарғонаводстрой» каби сув хўжалиги қурилиши ташкилотларига, ўнлаб механизациялашган кўчма колонналарга ўз маҳсулотларини жўнатмоқда.

Тошкентдаги енгил металл конструкциялари заводида эса бутунлай ўзгача манзарага дуч келасиз. Албатта, ишлаб чиқариш технологияси ва тайёрланадиган маҳсулотлари турлича бўлган бу икки корхонани таққослаш қийин. Лекин мақсадлари битта буюртмачиларга маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш, корхоналар билан шартнома тузган заводларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш қонун эмасми? Енгил металл конструкциялари заводи мамлакатдаги 300 дан зиёд буюртмачи билан шартнома тузган. Минг афсуски, корхона кўп ойлардан бери планни уддалай олмаяпти. Демак, буюртмачиларга ҳам ўз маҳсулотларини белгиланган муддатларда тўла етказиб беролмаяпти.

Хўш, бунга сабаб нима?! Нима учун завод бир меъёрда ишлай олмаяпти? Завод директори Александр Владимирович Малявиннинг сўзларига ишонадиган бўлсак, ҳамма гап корхонанинг бошқа ташкилотлардан металлни ўз вақтида ололмаётганида экан. Хусусан, корхона шу йилнинг биринчи кварталида икки ярим минг тонна металл, шу жумладан 1640 тонна рухланган рулонли пўлатни ололмади. Қарздор корхоналар орасида Ленинград металлургия заводи, Свердловск областидаги металлургия заводи, Новолипецк металлургия заводи бор. Табиийки, металларнинг Тошкентга ўз вақтида етиб келмаслиги енгил металл конструкциялари заводи коллективини оғир аҳволга солиб қўймоқда.

Очиғи, заводнинг ўзида ҳам анчагина нуқсонлар мавжуд. Кохонанинг бир меъёрда ишламаётганлигига фақат металл таъминотидаги узилишлар сабаб бўлаётгани йўқ. Мисолларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг дастлабки уч ойида корхона енгил металл конструкциялари тайёрлаш планини 95,4, уч қатламли деворбоп панеллар ишлаб чиқариш планини 93,5 процент бажарди, холос. Натижада биринчи кварталда маҳсулот реализация қилиш плани 89,8 процент бажарилди.

Заводда металл зарур миқдорда бўлган вақт ҳам корхона ҳамма вақт бирдай ишлай олмади. Мисол учун март ойини олайлик. Завод биринчи ўн кунликда 16,1 процент миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу кўрсаткичлар иккинчи ўн кунликда 31,5 ни, учинчи ўн кунликда эса 52,3 процентни ташкил қилади. Биринчи ўн кунликда сусткашлик, иккинчи ўн кунликда «бўл-бўл»га ўтиш, учинчисида эса штурмчиликка берилиш кайфиятига тоқат қилиб бўладими? Бундай усул аллақачон қораланганини корхонадагилар наҳотки билмасалар?! Шундай аҳвол январь ва февраль ойларида ҳам такрорланган эди.

Корхонадаги ишларни механизациялаш даражаси пастлиги эътиборни тортади. Ҳа, бу заводда қўл кучи билан бажариладиган жараёнлар оз эмас. Завод инженер-техник ходимларининг ижодий ташаббускорлиги, ғайрат-шижоатини оширишга бефарқ қараляпти. Натижада механизация даражаси асосий жараёнларда: газ ёрдамида металлни кесишда 75, пайвандлаш ишларида эса 74 процентдан нарига ўтмаяпти. Март ойининг бир хафтаси мобайнида коннектор тайёрланмади, стерженларни пайвандлашмади ва бўяш участкасида ишлар бажарилмади. Нима учун? Компрессор бузилганлигидан газ баллонлари сиқиқ ҳаво билан тўлдирилмай қолди. Бу ўринда корхона раҳбарларидан, наҳотки компрессорни ремонт қилишни бир ҳафтага чўзиш керак, нима учун компрессорнинг ишдан чиқишига йўл қўйилди ва у ўз вақтида ремонт қилинмади, металл таъминотидаги узилишларнинг бунга нима алоқаси бор, деб сўраш мутлақо тўғридир.

Бошқа мисол келтирайлик. Шу йилнинг биринчи кварталида асосий маҳсулот — металл конструкцияларини тайёрлаш плани Слапаев дастгоҳлари, шунингдек, «Геллер» арраси ва болтларни ўрнатувчи прессларнинг узоқ вақт бекор туриб қолиши туфайли барбод берилди. Бунинг устига цехлар қишки даврда ишлашга тайёр эмасди. Шуниси тааж-жубланарлики, дастгоҳлар, арралар, прессларнинг узоқ вақт ишламаса ҳам бу нарса ҳеч кимни ташвишга солмади. Хўжалик ходимлари буни қайд этишдан нарига ўтмай, ўзларининг ташаббуссиз эканликларини яшириб ўтдилар. Хўш, бунга ҳам металлнинг етишмаслиги баҳонами?!

Бошқа мисолни олайлик. Енгил металл конструкциялари заводи раҳбарларининг фикрича, корхонада прогул бошқа жойлардагига нисбатан кам эмиш. Аслида шундайми? Биринчи кварталда прогул 24 иш кунига етди. Яширин прогул (маъмурият рухсати билан ишдан кетиб қолиш)лар 12 иш кунини ташкил қилди. Тўғри, булар унчалик юқори кўрсаткич эмас. Лекин ана шу «арзимас» прогуллар туфайли 60 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Хулоса қилиб айтсак, биргина металл таъминотидаги узилишлар айни пайтда завод ходимларининг айби билан ускуналарнинг бекор туриб қолиши, интизомнинг бўшашиб кетганлиги ҳам планларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Енгил металл конструкциялари заводи СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ҳамда республиканинг худди шундай министрлигига қарайди. Бу идоралар ўз қарамоғларидаги корхонанинг узоқ вақтдан бери планларни барбод қилиб, маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномани бажармай келаётганлигига қандай муносабатда бўлмоқдалар? Агар, завод директори ўртоқ Малявинга «вақти-вақти билан» ҳайфсан бериб турилиши ҳисобга олинмаса, министрликлар томонидан заводга деярли амалий ёрдам берилмаяпти. Бунинг устига улар асоссиз фармойишлари билан корхонани қийин аҳволга солиб қўйишмоқда. Ўтган йили заводга минерал момиқ қўшиб тайёрланадиган деворбоп панелларни юз квадрат метр миқдорида ишлаб чиқариш планлаштирилган эди. Бироқ корхонада минерал момиқнинг ўзи ҳам, ишлаб чиқариш майдонлари ҳам, бундай маҳсулот тайёрловчи ускуналар ҳам йўқ эди. Табиийки, план бажарилмасдан қолди. Корхона раҳбарлари шу масала юзасидан ёрдам беришни сўраб, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига мурожаат қилдилар. Лекин, министрликдаги ўртоқлар илтимосни инобатга олмай, 1984 йил иккинчи ярми учун минерал момиқ қўшиладиган деворбоп панелдан 70 минг квадрат метрини тайёрлашни планлаштирдилар.

Яна бир мисол. Ҳозир корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштириш ҳуқуқи берилган. Енгил металл конструкциялари заводидагилар имкониятларини обдон чамалаб чиқиб, 1984 йилда 19987 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мумкинлигини билдирдилар. Аммо, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги завод планини қўшимча 792 минг сўмликка кўпайтирдилар. Лекин, шунга яраша зарур моддий ресурслар ажратмадилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленумида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: **«Аммо ҳозир ҳам шу ҳаммамиз, ҳар биримиз қандай бўлмасин бўшашувчиликни тақиқлаб қўйсак тўғри бўлади. Давлат плани учун жон куйдириш, қатто, истасангиз ташвишланиш бизни бир дақиқа ҳам тарк этмаслиги керак. Келинглар, шунга келишиб олайлик: бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишкаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчанлик ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ бўлиши лозим. Бизнинг партиявий позициямиз бошқача бўлиши мумкин эмас».**

Бу гаплар ҳамма учун, ҳар бир хўжалик ходими учун, шу жумладан, енгил металл конструкциялари заводи раҳбарларига ҳам тааллуқлидир.

А. БУХОРБОЕВ.

Абдулла Қодирий туғилган куннинг 90 йиллигига

АДИБ ЯРАТГАН БОҒ

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) йигирманчи йиллардаги бутун совет туркий тиллар адабиёти бадиий прозасининг энг зўр устасидир... Унинг романлари 1920 йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандек пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандек дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан киши. Адиб ҳақида бу каби қайдларни жуда кўп ўқиганмиз...

Бугун биз ҳурматли ўқувчиларимизга тақдим этаётган ҳикоямиз А. Қодирий ҳаётининг ўзга бир олами ҳақида сўзлайди.

Тошкентнинг собиқ ўн икки дарвозасидан бири — Самарқанд дарвоза яқинида адибнинг ўз қўли билан парвариш этилган боғ бор. Унинг қўли билан экилган дарахтлар ўсиб турибди. Бу ерда Қодирийнинг зурёдлари яшайдилар. Қодирий фарзандларининг каттаси салкам етмиш ёшда, энг кичиги бешикдаги чақалоқдир.

Биз муҳтарам адибимиз ижод қилган — унинг ингоҳи тушган боғда бўлдик, у босган табаррук изгилардан бордик. Унинг фарзандлари билан — ҳаётдаги Отабек, Кумушбиби ва Офтобойимлар билан учрашдик.

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА, Тошкентда боғлар кўп. Лекин оқшомлари мўл-мўл юлдузлар тўкиладиган, қушлар ҳар тонг базм қурадиган, булбуллар ҳар субҳичоғ гулларга розидил сўзлайдиган ўзга бир сўлим боғ ҳам бор. Бу — Қодирий яратган боғ. Бу боғ шунчаки боғ эмас. Ўткир қалам соҳиблари, улуғ сўз усталари, санъаткорлар, ўктам алломалар, фозиллар — Алексей Толстой, Садриддин Айний, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Усмон Носир, Уйғун, Миртемирларнинг пойи қадами етган, саноий нафисларнинг адабий давралари, ўтли суҳбатларига гувоҳ бўлган боғ.

Шу боғда, А. Қодирийнинг шоирона диди билан қурилган икки қаватли шийпонда унинг дўстлари Тавалло, Ҳислат, Сўфизода каби кўҳна авлод шоирлари тез-тез тўпланишиб мушоираларини қилишарди. Рус олимлари Поливанов, шарқшунос олимлар Евгений Эдуардович Бертельс, энциклопедист Юдахинларнинг суҳбатига гувоҳ бўлган бу боғ эндиликда Қодирий муҳлислари учун ишқ қадар, имон қадар табаррук, муқаддас бир даргоҳдир. Соҳибининг пойига тўшалгувчи кўклам сабзаларини, зулфини тараташтган токларни томоша қилгимиз келди. Қодирий севган — терак бўйи келадиган жарликдан тугёнлардай тўлқин уриб оқаётган Бўсув қўшиғини тинглагимиз келди. Боряпмиз. Ёмғир ҳам шивалаб ўтди. Қушларнинг жон олгувчи хониш бошланди яна. Булутлар пагасини тўзғитиб ўйнаётган сабо ҳам ўша боққа ошиқяпти чоғи. Сабо қанотларини ёйиб, сарин елларга айланди у. Бўйдор тераклар баргини шивирлатиб ўтди. Тонг нури худди шу сонияни кутиб тургандай япроқлар орасидан саҳий заминга қуйилади. Бу нур, бу офтоб, бу тонг бизга муҳтарам саламимизни эслатади. Эл севган адибни эслатади. Қалб йўллари ёруғ, офтобли адиб орзулари ақлу заковатли, фазлу камоли, теранлиги билан ўзи ўсган хонадонни, шу боғни кенг дунёга улай олди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид Кетмон» каби ўлмас асарлари кўприк бўлди унга. Уни бугунги кунда бутун дунё ўқимоқда, тан олмоқда. У яратган асарлар минглаб, миллионлаб тоза юракларга муҳаббат, мурувват олиб кирди.

АЗИЗ, ҚУТЛУҒ ХОНАДОН, севимли ёзувчининг муносиб ворислари, хешу-ақраболари, закий қўни-қўшнилари — изларга бахрали, муҳаббатли қалам аҳлидан саломлар олиб, ҳузурингизга келдик... Қодирий хонадонига келин бўлган гул келинчаклар, келин саломингиз учун минг бор ташаккур, Муҳаббат мутриби — Қодирийнинг меҳри билан йўғрилган, йўқ-йўқ, шу меҳр авайлаб баркамол айлаган ишқ маъбудаси — Ойкумуш, ҳузурингиздамиз. Сизнинг бахтиёрлигингиз неда? Билгимиз келади. Бизни боғ остонасида кутиб олган хушфеъл, ҳушкамол аёл Қодирийнинг катта қизи — Назифабиби эдилар. У бизни ичкарига бошлади. Бу йўлаклардан шошиб, ошиқиб юрмоқнинг ўзи гуноҳ. Ҳар одимда қутлуғ инсон пойи қадамининг излари бор. Назифабиби салкам етмиш баҳорни кўрдилар. Пиру фозила аёл шу фараҳли боғ қучоғида отасининг бағрида кечган қизалоқлик чоғларини хотирламоққа уринади.

— Отамизни мен сўнгги бор кўрганимда 44 ёшда эдилар, — деб ҳикоя қилади у. — Отамиз меҳнаткаш, ерни севган, парвариш этган инсонни ҳаддан зиёд улуғлар эдилар. Шунинг учун бўлса керак, менинг бўлғувси қаллиғим Одилбек хожи ўғли Муҳаммад Аминбекни боғимизга чақиртирдилар. Қўлларига кетмон тутиб, ер чопишга ундадилар. Ҳа, синов эди бу. Йигит имтиҳондан яхши ўтди чоғи, тўйимиз бўлди. Биринчи фарзандим қиз эди. Унга отам (Қодирий) Фарзона деб исм қўйиб бердилар. Қодирий исм қўйган Фарзона ёзувчи хонадонидаги 31 набира ва 10 чевараниng бири.

У музика билим юртини тамомлади. Тошкентдаги 330-боғчада музика тарбиячиси бўлиб ишлайди.

Биз кенг кабир ойнаванд айвонда Қодирийлар билан сўзлашиб ўтирардик. Бошига оппоқ рўмол ташлаб олган нуроний бир аёл кириб келди. Қўлида сирень гулларидан бир қучоғи, яна аллақандай тугунчак. Уй бекалари дув этиб ўринларидан туришди, кенса аёлнинг истиқболига ошиқдилар... Онахон фарғоналик экан. Жосиятбибининг набираларини йўқлаб келибди, Қодирий қабрини зиёрат қилмоққа келибди. Ўз қўли билан пиширилган ёғли кулчалар, сумалакни хонтахта устига оларкан, деди:

— Марғилонликлар Абдуллажонни яхши кўришарди, айланайлар. 90 ёшлик тўйи бўлаётганмиш, — деб эшитдик. Бир зиёрат қилиб қайтайин дедим-да... —

Меҳмон аёлнинг исми Марям хола экан. Ёшликда муаллима бўлган. У адабиётни жуда севар экан. Айниқса, Қодирийдек ёзувчиларни. Марям она билан сўзлашиб ўтириб бир воқеа ёдимга тушди. Студентлик чоғларимда поездда кетаётиб, тошкентлик тўрт аёлга ҳамроҳ бўлиб қолдим. Марғилонга кетяпмиз, деди аёллар. Меҳмонгами? — деб сўрадим. Йўқ, Кумушбибининг қабрини зиёрат қилиб қайтмоқчимиз, — дейишди. — Кумушбибининг қабри бор эканми? — деб сўрадим.

— Во-ой, айнонай, нега бўлмасин, бор! Қодирийнинг китобини ўқимаган кўринасиз-а? — дейишди. Битта китоб бир қўй баҳоси бўлса, уни олиб ўқимоқнинг ўзи бўладими овсин, гап қўшганди йўловчи аёллар. Дарҳақиқат, «Ўтган кунлар»нинг баҳоси бир қўй баҳоси билан баробар эди ўшанда. Майли, Кумушбибининг қабрини биз учун ҳам зиёрат айлаб қайтингиз, зиёратингиз қабул бўлсин, дегандим одоб юзасидан ўшанда. Бу гаплар қулгилидек кўринади, лекин асарнинг қудрати олдида ҳамиша бош эгамиз, таъзим қиламиз ҳаммамиз ҳам.

Қодирийнинг хонадонидаги суҳбатимиз давом этиб турганда ойнаванд ромлар ортидан хушрўйгина қиз кўринди, у аста тавозе билан ичкари кирди. Таъзим бажолади. Уни Кумушбиби деб таништирдилар бизга. Энтикиб кетдим. Сулув қизга билдирмайгина разм солдим. Наҳот бу ўша... муҳаббатнинг рангин бўёқлари ила чизилган ишқ маъбудаси. Қодирий асарларининг гултожи. Бутун мусаннифлик санъатини бахшида айлаган ширин жон... Кўз ўнгимда маҳбубинигина эмас, бегоналарни ҳам мустағриқ айлаган ишқнинг тиниқ суврати турарди. Назифабиби сўз қўшдилар.

— Бу учинчи Кумушбибимиз. Отамиз севган Кумушбиби — Раҳимберди амакимизнинг суюкли қизи Ойғумуш эди. У 18 ёшида хасталикдан вафот этган. Отамиз ана шу навқирон гул ёшида кетган суқсурдай қизнинг суратини асарига кўчирганлар. Биз эса отамизнинг асаридаги Кумушбибининг ёдини олиб укамиз Масъуджоннинг қизига шу исмни бердик. Кумушбибимиз ҳозир 18 ёшда. Медицина техникумида таҳсил олаётир. Кумушбиби бизга чинданда ўша хаёлий қаҳрамонни эслатди.

— Отабек-чи? — тўсатдан берган бу саволимиздан сўнг даврада кулги кўтарилди. Отабек Қодирийнинг чевараси. У биринчи синфга борди бу йил. Ҳозирча у бобосининг боғида тиллақўнғизлар тутиб, ўйнаб юрибди.

БОҒ ДЕЙМИЗ. Ҳа, боғ... Дунё баҳорини, боғ баҳорини юрак тўрида асрагувчи боғбон бўлмаса, боғ-боғмиди? Ул хору-хас, холос. Мана шу боғига кўз нурини, ғурурини, суруруни қўшиб парвариш этган Қодирий баҳорини асрагувчи боғбон борми, деб сўраймиз. Ҳа, бор, — деб жавоб қилдилар бизга. Улар Қодирийнинг набиралари Шеркон ва Жасурбеклар эдилар. Қани ўшал боғбон йигитлар? Улар бобоси ҳақида не деркин? Жасурбек кўринишдан худди бобосини эслатди бизга. Қора қош, чўлпон кўзлари ёниб тургувчи йигит индамади. Индамади-ю, нигоҳи билан боққа ишора этди. Мана, ҳузурингиздаги боғ сўзласин, гуллар, япроқлар сўзласин, дегани эди бу. Ҳа, боғда нозик сибизгасини чалаётган қушлар жавоб айлар эди бизга. Митти ғўраларини шуълаларга чўмилтириб, йўргакчаларга ўраётган ўрик дарахтлари жавоб айларди.

Бунда ҳамма нарса қўшиқ айтарди,
Қодирий нафасин тинглар эдик биз,

Еллар ўйинидан, бош чайқаётган япроқлар шивиридан, наққош баҳорнинг минг бир рангидан, гуллар ифоридан, боғ наҳоридан тасвирлар териб олишга моҳир Қодирий кезиб юргандек туюлди боғда. У аста садо қилади: — Набираларим қобил, қўли гул йигитлар... Жасурбек геология институтида катта инженер, боғда эса гулқайчиси қўлидан тушмайди. Шеркон эса режиссёрлик санъати бўйича дарс беради. Боғда гул, нав-ниҳоллардан санъат яратади. Назифабибининг яна бир ўғли Жавдатбек нефть-газ бўйича Ўрта Осиё илмий текшириш институтида бўлим бошқарувчиси. Синглиси Осудахон — театршунос.

Қодирийлар сулоласини санамоқ, уларнинг ҳар бири ҳақида сўз юритмоқ учун бизга минг бир тонглар — кечалар ҳам етмас. Етти келин, саккиз куёв, икки ўғил, уч қизни дарёлар десак, боғ тўла болакайларни, гулзор аро капалак қувлаб юрган қизалоқларни жилғалар дегимиз келади. Ўзи бойлар қўлида приказчик бўлиб ишлашдан нарига ўтмаган Қодирий зурёдларининг ўқимишли кишилар бўлишини жуда-жуда истар эди. Унинг зурёдлари бари эл-юрт хизматидаги, илмли кишилар. Улар орасида врачлар, олимлар, қурувчилар, педагог, журналист, санъатшунослар бор.

А. Қодирийнинг онаси Жосиятбиби зорланиб шундай деган экан: — 12 болани ерга қўйиб, Абдуллани тополганман. Агар болаларим ўлмаганда бир маҳалла бўлишарди... Боғ тўла болакайларни кўриб беихтиёр Жосиятбибини ёдга олдик. Хаёлан ул закий муҳтарамага мурожаат қилгимиз келди. Жосиятбиби, ранжиманг, фарзанларингиз бу кун бир маҳаллага эмас, бир шаҳарга етгулидир.

— Дадамиз, — жуда болажон одам эдилар, — деб ҳикоя қилади адибнинг кенжа қизи Анисахон. — Хушфеъл, ширин сўз эдилар. Мусиқалар қўнгилашиб ётган боғимизда у кўпинча бизга варрак ясаб берарди. Дадам куй тинглаб ўтирарди кўпинча. Қудратилла амаким дутор чалиб берардилар. 1937 йилдан 1938 йилга ўтар кечаси эди. Арча байрамига борадиган бўлдик. Акам Масъуд билан пул сўраб дадамнинг ёнига кирдик. Хонтахта ёнида ишлаб ўтирардилар. Янги романим битди, қизалоғим, — деб хурсандчилигини баён қилдилар. Хонтахта устида қора майиз, яроқланган қази турарди.

Боғ айланиб юриб Қодирийнинг ўз қўли билан экилган дарахтлар бор-йўқлигини билгимиз келди. Тўрт тарафга қулоч ёйган бўйдор ёнғоқ дарахти остида тўхтадик. Адиб бу ёнғоқни 1935 йили боғ четига қубба шаклида экқан экан. Ёнғоқ ўсиб, мева тутиб турибди. Дарахтнинг бир тупи шарққа, бир тупи ғарбга, ўзга туплари шимолу-жанубга қараб шивирлаб тургандек туюлди. Қодирий асарларининг довруғи мағрибу-машриққа етди деяётгандай...

Табаррук кишиларнинг босган излари мармар тошда ҳам қолади, дейдилар. Мана шу салқин, сўлим боғда — худди шундай баҳор кезларида (1933 йил) Алексей Толстой икки марта меҳмон бўлган экан. Уни мана шу боғда ўсган райҳонлардан кертилган мошхўрда билан меҳмон қилган эканлар. Ўшанда рус ёзувчиси билан ўзбек адиби ўзаро мулоқот чоғида мана шундай дориламон замонларни орзу қилган бўлса ажаб эмас. Ўзбекнинг оддий хонадонидан чиққан торгина йўлакча муаззам Москванинг кенг магистралларига бориб туташмоғини орзу қилган бўлсалар ажаб эмас. Ўшанда адиб Умар Хайём рубоийларини тилмоч орқали А. Толстойга тушунтириб берган экан.

ҚОДИРИЙ босган қутлуғ излар... У мана шу боғидан тез-тез Чорсу бозорига тушиб турарди. Самарқанд дарвозанинг тош кўчаси қолиб, жар-жигалик Чақар, Сузук ота, Чуқур қишлоқ, эски Номозгоҳ маҳалла гузарлари орқали борарди, — дейди тўнғич ўғли Ҳабибулло Қодирий, Қодирий пиёда юриб, чангга ботиб келиб юзқўлларини ювгувчи тўла бўлоқ ўрнида ҳозир мармарлардан тикланган 1100 кишилик осмонўпар «Москва» меҳмонхонаси қўшига юз тутиб турибди. Бу кошонада Тошкентимиз ҳар куни азиз меҳмонларни кутади. Алексей Толстой, Қодирий биргаликда орзу қилган қардошлик неъматлари ўртада дастурхондай тўшалган юртимизда Қодирийдек қалам соҳибларининг китоблари қўлма-қўл ўқилади, жовонларимизнинг тўридан жой олган, турли тилларга таржима этилган. Энди Қодирийни немис ҳам билади, инглиз ҳам, араб ҳам.

Қодирий яшаган маҳаллани айланиб юрибмиз. Мана ўша боғ этагидаги жарлик. Шаҳар қўрғонидан қолдиқлари сақланиб қолган. Бир терак пастда ҳайқириб оқаётган Бўсув неча юз йилларга гувоҳ. Бу сув не-не иқболи нигунларнинг дарди-малолини, кўз ёшларини олиб оққан сув. Жарлик ёқалаб боряпмиз. Қодирий балиқ овлаб, хаёл суриб сайр қиладиган якка сўқмоқ йўл. Ҳозир ҳам пастликда илон изидай бўлиб кўриниб турибди. Мана шу жарлик ёқасида бир гор бўларкан. Ғорда икки йигит, ака-ука умр бўйи уйланолмай бўйдоқ яшаб ўтиб кетган эканлар (Ана шу ғорнинг қолдиқлари ҳозир ҳам бор). Қодирий маҳалласида у пайтларда ҳаммаси фақир-фуқаролар, майда ҳунар эгалари яшаркан. Энди-чи? Бу маҳаллада фан докторлари, инженерлар, врачлар истиқомат қилади.

ҚОДИРИЙ романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчиси, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди, — деб ёзган эди Евгений Бертельс.

Адибнинг қариндош-уруғлари, ўғил-қизлар даврасида унинг асарлари ёдга олинди, набиралар Қодирийнинг илк шеърларидан намуналар сақлаб юришганини айтишди. Шоир Қодирийнинг шеърларини қўлма-қўл ўқидик. Қалбан шоир инсоният қаламидан нуқра олган сатрлар бизга ўша маъсума Раънолар-ни, Офтобойим, Анвар, Отабекларни эслатади яна...

Бу кўҳна олам деганлари бир тараф, дунё яратган фозила оналаримиз, бир тараф. Аққлу донишлигидан Қодирийлар сулоласи зиё олган Назифабиби ихтиёрини рад этолмадик. Отам шаҳар ҳовлимиздан мана шу боққа юриб келадиган жин кўчани кўрсатай деб қолдилар. Бир арава ҳам сиғмайдиган бу кўчадан Қодирий ҳар наҳор кетмонни дастасига қора қумғонини қўндириб боққа жўнаркан... Ўшал кўчалар яна давом этиб, бизни Қодирий қабрига олиб чиқди. Қабрга мармар сағана ўрнатилган, Қодирийнинг тасвири мармар тош ичра ҳам улуғвор эди. Қабр тошига унинг қуйидаги газаллари битилган:

Ҳар кимсаникин бахти кулса,
Халқига жон ила хизмат қилса,
Лутфу карамига сазовор бўлғай,
Атрофи зару зевар ила тўлғай.

Боғи алвонранг гулларга, хонадони қобил фарзандларга, атрофи зару зеварларга тўлган адиб ёдини халқимиз бугун юрак тўрида ардоқламоқда. У бугунги кунда ўз мамлакатида ҳам, чет элларда ҳам жуда кучли қизиқиш уйғотаётган Совет Ўрта Осиёси адабиётининг талантли ва ўлмас адиби бўлиб қолаверади. У яратган боғда ҳамиша баҳор кезади, у ўстирган ниҳоллар улғайиб, сербар чинорларга айланади.

Эътибор ОХУНОВА.

Суратда: Абдулла Қодирий зурёдлари ва адибнинг ўз қўли билан барпо этилган боғ шийпони. В. Молгачев фотоларн.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОЦИАЛИСТИК ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА!

БЕРЛИН. ГДРда ҳозирги вақтда Совет Иттифоқидаги шериклар билан боғланмаган бирор бир саноат комбинатини учратиш қийин. Эндиликда 130 тадан ортиқ икки томонлама ҳукуматлараро ва идоралараро битим амал қиляпти. Бу битимларни рўёбга чиқариш социалистик иқтисодий интеграцияни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади.

Бу иккала мамлакат халқ хўжалигини интенсивлашга, буюмлар сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, энергия, хом ашё ва материал сарфини камайтиришга кўп даражада ёрдам беради.

Немис ишчилари ва деҳқонлари республикаси Советлар мамлакатидан хом ашё ва бошқа молларнинг энг муҳим турларини харид қилмоқда. Совет Иттифоқи ўз навбатида ГДРдан темирчилик-пресслаш ускуналарини, металл қирқиш станокларини, темир йўл вагонлари, порт кранларини, нефть қазиб олиш учун асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техникасини сотиб олиш ҳисобига ана шу мақсадларга бўлган эҳтиёжини кўп даражада қопламоқда. «Союз» ва Уренгой — Помари — Ужгород газ қувурлари қурилишида ГДР бевосита қатнашаётганлиги халқ хўжалик вазифаларини биргаликда ҳал этишнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

МХРДА ЭКИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг деҳқончилик районларида экин экиш ишлари бошланди. Республиканинг қишлоқ меҳнаткашлари баҳорни шай ҳолда кутиб олдилар: машина-механизмлар сифатли ва ўз вақтида ремонтдан чиқарилди, барча хўжаликлар сара уруғлик билан етарли даражада таъминланди, ҳамма жойда экиш кампаниясини ўтказиш режалари ишлаб чиқилди.

МХР деҳқонлари бу йил кузда 700 минг тоннадан ортиқ дон, салкам 130 минг тонна картошка ва сабзавот йиғиштириб олишлари керак. Энг янги техника ва технология, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эришган илғор тажрибадан фойдаланиш юксак марраларга эришишда ёрдам бермоқда.

ЯНГИ ГЭС ҚУРИЛМОҚДА

БУХАРЕСТ. Войле аҳоли пункти яқинидаги Олта дарёсининг юқори оқимида янги гидроэлектростанция қурила бошланди. Бу Руминиядаги энг катта дарёда бунёд этилаётган йирик ГЭСдир. 1990 йилгача дарё гидроэнергетика потенциалини комплекс ўзлаштириш мўлжалланган программада 29 та гидроэлектростанция қуриш кўзда тутилади. Улардан ўн учтаси ҳозир ишлаб турибди, еттитаси қурилияпти. Олта каскади бунёд этилиши мамлакатнинг энергетика ресурсларидан фойдаланиш кўпгина вазифаларини ҳал этибгина қолмай, шу билан бирга саноат ва аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни яхшилашга, теварак-атрофдаги ерларни ирригациялаш ва уларни баҳорги сув тошқинидан муҳофаза қилиш, кема қатнови ва балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади. Дарё соҳилларини боғловчи кўприклар ва тўғонлар районни уйғун территориал ривожлантириш, уни фақирлигидан ва қишлоқ хўжалиги, туризмни ривожлантириш имконини беради.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ПЛОВДИВ ЯРМАРКАСИ ТУГАДИ

● **СОФИЯ. Пловдивда кенг истеъмол молларн ва озиқ-овқат маҳсулотларининг анъанавий халқаро ярмаркаси ўз ишини тугаллади. Бир ҳафта давомида 54 мамлакатнинг юзлаб фирмалари ва ташқи савдо ташкилотлари ярмаркада ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.**

Ярмарка мезбонлари мароқли ва хилма-хил кўргазма тақдим этишди. Болгария бўлимига қўйилган бир қанча экспонатлар меҳмонларни социалистик иқтисодий интеграция доирасида бошқа қардош мамлакатлар билан мустаҳкам, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида республика эришган муваффақиятлар билан таништирди.

Бу сафар ҳам Совет Иттифоқи ярмарканинг чет эллик энг катта қатнашчиси бўлди.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ СИЁСАТИ ҚОРАЛАНДИ

▲ ТУНИС. Фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақил давлат барпо этишдан иборат ҳаққоний ҳуқуқларини тан олиш принципи Яқин Шарқдаги аҳволни барқарор этишга асос қилиб олиниши керак, деди Тунис ташқи ишлар министри Б. Эс-Себси.

Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажи билан учрашувда сўзлаган нутқида Б. Эс-Себси Исроилнинг региондаги тажовузкорлик сиёсатини қоралади. Тель-Авив, деб таъкидлади у, Яқин Шарқдаги аҳволни оддилона ва пишиқ пухта ҳал этишга эришиш йўлидаги ҳамма ғайрат ҳаракатларни барбод қилмоқда.

Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажи ҳам Исроил ҳукмрон доираларининг босқинчилик ҳаракатларини кескин танқид қилди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

▲ **БРАТИСЛАВА.** Бу ерда Словакия хотин-қизлар иттифоқининг съезди бўлиб ўтди. Съезд иттифоқнинг ҳисобот давридаги фаолияти якунларини муҳокама қилди, оммавий хотин-қизлар ташкилотининг социалистик қурилишда, ёш авлодни тинчлик руҳида тарбиялашда бундан буён қилдиган ишлари йўналишларини белгилади.

Словакия хотин-қизлар иттифоқи Марказий Комитетининг раиси Е. Литвайова КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко баён этиб берган совет тинчлик ташаббусларининг муҳим аҳамиятини таъкидлади. Совет Иттифоқи таклифларининг кенг комплекси халқаро вазиятни соғломлаштириш, яллпи тинчликни таъминлаш учун реал имконият яратади.

Съезд делегатларининг нутқларида шу нарса уқтириб ўтилдики, Чехословакия хотин-қизлари социалистик мамлакатлардаги ўз дугоналари билан биргаликда уруш оловини ёқувчи империалистларга кескин қарши чиқадилар, уларнинг авантюрачилик сиёсатини ғазаб билан қоралайдилар, курашчиларнинг биринчи сафларида бориб, энг азиз нарса — болаларининг ҳаёти ва келажагини ҳимоя қиладилар.

ЯДРО УРУШИ ХАВФИГА ҚАРШИ

● **ВЕНА.** Австрия Коммунистик партиясининг раиси Ф. Мури Америка империализми нинг урушқоқлик режаларини кескин қоралади ҳамда тинчлик учун, ядро уруши хавфига қарши биргаликдаги ҳаракатларни кучайтиришга чақирди.

Америка ҳукумати, деди у, Австрия Компартияси юқори Австрия ташкилотининг Линц да бўлиб ўтган конференциясида сўзлаган нутқида, ядровий, химиявий ва оддий қуролларни кўпайтирибгина қолмай, космик фазони ҳарбийлаштириш соҳасида амалий ишлар қилишга, «самовий урушлар»га ҳозирлик кўришга ҳам киришди. У Совет Иттифоқининг қуролсизланиш ҳақидаги ҳамма таклифларини рад қилмоқда ва биринчи бўлиб ядро зарбаси урушга ҳозирлик кўришдан воз кечмаслигини сурбетлик билан айтмоқда. Шу тариқа инсоннинг энг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи учун реал хавф туғилмоқда.

Ҳеч қандай бетарафлик Австрияни ядро урушидан ҳимоя қила олмайди, дейди сўнгра АКП раиси. Шунинг учун ҳам Австрия халқи ва бутун инсоният учун мана шу ҳаётий зарур масалада мамлакат бетараф қолмаслиги керак.

ҚИПР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● **НЬЮ-ЙОРК.** Кипр президенти С. Киприану БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Кипрни мустақил, суверен, территориал жиҳатдан бутун давлат тарзида сақлаб қолиш зарурлиги таъкидланган резолюциясини табриклади. У бу ерда берган баёнотида мазкур қарорни Кипр проблемаси юзасидан қабул қилинган энг салмоқли ва актуал қарор деб таърифлади.

Кўпчилик овоз билан қабул қилинган резолюцияда Кипрнинг парчаланишини мустаҳкамлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар муносабати билан жиддий ташвиш билдирилади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши барча давлатларни ўтган йили ноябрда эълон қилинган «Шимолий Кипр турк республикасини тан олмасликка чақирди.

НИКАРАГУА ХАЛҚИНИ ЧУЧИТИБ БЎЛМАЙДИ

● **МАНАГУА.** Никарагуа ташқи ишлар министрлиги берган баёнотда айни АҚШ Марказий Америкада ўз жандармлари ёрдами билан Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруш бошлаб юборди, деб таъкидланади. Америкаининг ҳарбий-денгиз кучлари оккупация қилиб олган Фонсека кўрфази Пентагон билан МРБнинг тажовузкорлик маконларидан бири бўлиб қолганлиги ташқи ишлар министрлигининг баёнотида уқтириб ўтилади.

Рейган маъмурияти гондурас маъмурларини Никарагуага қарши жазавани авж олдиришга гиж-гижламоқда ва иккала мамлакат ўртасида қуролли можаро чиқаришга интилмоқда, деди Никарагуа миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Серхио Рамирес. Бироқ АҚШ ва унинг гумаштлари қилаётган дўқ-пўписалар бизни чўчита олмайди.

(ТАСС).

● **КИТОБЛАР ОЛАМИДА**

НОДИР ҚОМУС

Чехословакия Фанлар академиясининг нашриёти ер ости бойликлари билан қизиқувчи кишиларга мўлжаллаб геология бўйича қомус луғатини чоп этди. Республиканинг таниқли олимлари икки йил давомида ана шу нашр устида ишладилар. Қомусга минералогия, геофизика, петрология ва геология билимларининг бошқа соҳалари бўйича 25 мингдан ортиқ мақола кирган.

● **КИНО**

КИНОКАМЕРА КУРАШМОҚДА

Оберхаузенда (ГФР) ўтказилган қисқа метражли фильмларнинг 30-халқаро кинофестивалида Гватемала ватанпарварлари суратга олган «Бораяпмиз, Ватан!» кинолентаси биринчи мукофотга сазовор бўлди. Мазкур қисқа фильм Гватемала халқининг диктаторлик режимига қарши олиб бораётган қаҳрамонона кураши ҳақида ҳикоя қилади.

▲ **ҚИЗИЛ КИТОБ**

ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ОСТИДА

Мексика зоологлари бонг уршмоқда: вахшиёна ов оқибатида мамлакатдаги ҳайвонларнинг 19 га яқин тури батамом қирилиб кетиш хавфи остида қолган. Бундай аҳвол мураккаблашаётганлигининг сабаби шундаки, овчилар нодир ҳайвонларнинг сўнгги нусхаларини ўлдиришаётганини ҳам билишмайди, давлатда эса ҳайвонларни ҳимоя қилишни ташкил этиш учун маблағ йўқ. Биолог Альберто Леонининг айтишича, агар иш шундай тарзда давом этаверадиган бўлса, яқин ойларда Мексикада бўри ва ягуарнинг маҳаллий туридан асар ҳам қолмайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

▲ **«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ**

СУВ ЎҒРИЛАРИ

Нью-Йорк шаҳрининг маъмурлари жаҳондаги энг йирик корпорация — «Эксксон»дан қарийб 20 миллион доллар маблағни даъво қилишмоқда. Корпорация атроф-муҳитга каттагина зиён етказганликда айбланади. У узоқ вақт мобайнида Гудзон дарёсидан сув олиб, уни қурғоқчиликдан қийналаётган Карибдаги Аруба оролига олиб бориб пуллаган. Фирма 1971 йилдан буён танкерларда 160 марта сув ташиган, камида 3 миллион тонна тоза сувни сотиб, бундан 10 миллион доллар фойда олган.

АҲОЛИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

БУГУН ТОШКЕНТДА ЮНЕСКОНИНГ «ИНСОН ВА БИОСФЕРА» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛАДИ.

Кейинги пайтларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг дунё миқёсида юзага келган муаммолари асосан аҳоли сонининг ўсиши, айниқса, жаҳоннинг турли регионларига хос нуфус масалалари билан боғлиқдир. Айни пайтда масаланинг бутун ўткирлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли ўсиши билан ўзаро алоқадами, бу масалаларни ҳал этиш мамлакатлар ва районларни тараққий эттиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлари билан белгиланади.

Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммолари дунёдаги барча мамлакатлар учун ҳам амалий, ҳам илмий аҳамиятга эгадир. Бу масалаларни дунё миқёсида муваффақиятли ҳал этишга халқаро миқёсда ҳамкорлик қилмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Совет Иттифоқи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан боғлиқ кўпгина халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этяпти. Ҳозир ЮНЕСКО ҳомийлигида узоқ муддатли халқаро «Инсон ва биосфера» программаси амалга оширилаяпти. 1975 йилда мамлакатимизда ЮНЕСКО программасини рўёбга чиқариш учун Миллий комитет ташкил қилинди. 1977 — 1978 йиллари эса барча иттифоқдош республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам Миллий комитет тузилди. Ўзбекистон Миллий комитети «Инсон ва биосфера» халқаро программаси бўйича тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган республикадаги 60 та илмий муассаса ва идоранинг фаолиятини мувофиқлаштириб турибди. Шу кунларда Ўзбекистон Миллий комитет ўзига 52 та мавзуни бирлаштирган 10 та халқаро лойиҳа бўйича тадқиқот ишларини олиб боряпти. Бизнинг комитетимиз республиканинг ноёб табиий иқлимий шарт-шароитларини, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги ва бойлигини, қишлоқ хўжалигини интенсив суратда химиялаштиришни ҳисобга олиб, яйловлардан оқилона фойдаланиш, инсон фаолиятининг суғориладиган чўл ва ярим чўл зоналарига таъсирини, бунда ерларни ирригациялаш туфайли юзага келаётган хусусиятларни ўрганяпти. Ўзбекистон ўсимликлар дунёсини тадқиқ этиб, республикада кам учрайдиган ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларни аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш, қўриқхоналарнинг илмий асосланган шаҳобчаларини вужудга келтириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва унинг биосферага таъсири масалаларини кўриб чиқмоқда.

ЮНЕСКОнинг халқаро «Инсон ва биосфера» программасида иш олиб бораётган СССР Миллий комитетининг таклифига биноан, ЮНЕСКОнинг 22-Бош сессияси Тошкентда «Атроф-муҳит ўзгаришлари ва аҳоли нуфуси ҳамда ирсият структураси мослашувининг ўзаро таъсири» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказишга қарор қилди. У бугун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биносида иш бошлайди. Конференциянинг Ўзбекистонда ўтказилишига маълум сабаблар бор. Республикамиз демограф, географ, генетик олимлари, медикларининг аҳоли нуфуси ва ирсият муаммоларини ҳамда шулар таъсирида атроф-муҳитнинг ўзгаришини ўрганиш соҳасида қўлга киритган муайян ютуқлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бой тажрибаси ҳисобга олинди.

Ўрта Осиё аҳолиси социалистик қурилиш йилларида қариб тўрт баравар кўпайди. Аҳоли ўсиши жиҳатдан ҳозир Ўрта Осиё кўпгина Совет республикаларидан олдинда бормоқда.

Республикамизда медик-генетик тадқиқотлар барча медицина институтларининг назарий ва клиник кафедраларида ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан республика Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли илмий-тадқиқот институтларининг кўпгина лабораторияларида олиб бориляпти. Ўзбекистон медик олимлари инсон ирсиятини ўрганишда классик усулларни қўлланишдан ташқари аҳолининг бутун дунёда кенг тарқалган: қанд касаллиги, юрак қон томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш органлари, ҳаракат қилиш аппаратларидаги касалликлар билан оғришини ўрганмоқдалар ҳамда шу касалликларга диагноз қўйиш, даволаш ва ирсият патологиясини олдини олиш учун самарали чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

М. МУҲАММАДЖОНОВ, ЮНЕСКОнинг халқаро «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон Миллий комитети раиси, республика Фанлар академиясининг академиги.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА УЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ЭЛЕКТРОН ТАРОЗИ

● **Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида капролактам ишлаб чиқаришда ўрнатилган янги электрон тарози 200 тоннагача вазнли юкни бир граммигача аниқликда тортиб бера оладн.**

Темир йўл вагонларини тортишга ажратилган шу агрегатларни Тошкент эталон заводи филиалининг коллективи қисқа муддатда ўрнатиб бўлди. Бу тарозн юк ортиш-тушириш ишларнни анча тезлатишга ҳамда маҳсулот юбориш аниқлигини оширишга имкон беради.

ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

● **Оҳангарон дарёсининг қайир ерларида бунёд этиладиган сув омбори тубидан тупроқ қазиб чиқарила бошлади.**

Бу ерда Олмалиқ аҳолисининг янги дам олиш зонаси жойлашади. Зона металлурглар ва кончилар шаҳрини қуриш ва уларни социал-иқтисодий ривожлантириш бош планига мувофиқ қурила бошлади. Сув омбори келаси йил баҳорданоқ тўлдирила бошлайди, шунгача ободонлаштириш ишлари битказилади, омбор қирғоқларига юзлаб туп дов-дарахт кўчатлари ўтказилади, бостирмалар, павильонлар қурилади.

ХАРИДОРГИР КИЙИМЛАР

● **Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасида барпо этилган янги технологик поток фақат аъло сифатли моллар тайёрлаб чиқармоқда.**

Бирлашмада тикилган эркаклар ва хотин-қизлар кўйлаклари, кийим-кечаклари харидоргир бўлиб бормоқда. Корхонада шу поток илғор тажриба мактабига айланиб, бошқа участкалардан келган ишчилар бу ерда янги технологияни, серунум меҳнат усулларини ўзлаштирмоқда.

ЧИҚИТЛАРДАН МАҲСУЛОТЛАР

● **Андижон ёғоч-тахта базасида чиқитлар ўтхона ўрнига цехга юборила бошлади.**

Улардан эшик ва ойна блокларини, шифт рейкалари, каркизлар ва бошқа деталлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўз қуввати билан уй қураётган ёки уйини ремонт қилаётган кишиларга бу маҳсулотлар ғоятда қўл келмоқда. Шу йил база коллективи 190 минг сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни режалаштирдилар.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ҚУРИЛИШИДА

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Бундан икки йил аввал Тошкент телевизион минораси қурувчилари катта ютуққа эришган эдилар: улкан иншоот муддатидан анча илгари лойиҳадаги мўлжалга кўтарилиб, унинг баландлиги 375 метрга етган эди. Ҳозир бу қурилишда сўнгги монтаж ишлари амалга оширилаяпти.



Эндиликда минорани юз километр наридан ҳам бемалол кўриш мумкин. У ишга тушгач, Тошкент телевидениеси кўрсатувларини республикамиз пойтахти атрофидаги шаҳарлар ҳамда Тянь-Шань тоғлари этаклари, Мирзачўл, Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон аҳолиси ҳам бемалол томоша қила олади.

Бўзсув соҳилида бунёд этилган телеминора ҳар жиҳатдан ноёб иншоотдир. У ярим гектар майдонни эгаллаган пойдевор устига ўрнатилди. 5800 тоннали пўлат конструкция мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. У зилзилага ўта бардошли. Бу ерда пойдеворнинг ўзига ўн минг кубометр бетон ва темир-бетон ётқизилди. Оғирлиги 120 тоннали учта қудратли тиргак минорани ҳам ер ости силкинишларидан, ҳам кучли бўронлардан сақлайди.

Тошкент телевизион минораси кўп миллатли Совет Иттифоқи халқлари қардошлигининг улуғвор рамзидир. Зеро, уни бунёд этишда Ватанимизнинг турли бурчакларидан келган лойиҳачилар, бинокорлар, монтажчилар иштирок этдилар. Мамлакатнинг ўнлаб заводлари металл ва тайёр конструкцияларни юбориб туришди.

Кўплаб масъулиятли объектларни бунёд этишда иштирок этиб, бутун мамлакатга довруғи кетган Ленинграддаги «Спецстальконструкция» трестининг 26-монтаж бошқармаси қурувчилари уни қисқа муддатда тиклашди. Бу коллектив бунёдкорларининг катта тажрибаси ва юксак маҳорати туфайли қад кўтарган телеминора устида Қизил байроқ хилпирамоқда.

—Телеминора қурилишига «Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари ҳам катта ҳисса қўшдилар, — дейди участка бошлиғи Акром Аҳмаджонов. —Айниқса, машҳур қурувчи Петр Емельянович Костенко, Владимир Николаевич Стратулатов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари астойдил меҳнат қилишди. Уларнинг зарбдорларча меҳнати туфайли телеминора қурилиши поёнига етай деб қолди. Ҳозир сўнгги монтаж ишлари бажариляпти.

Шу кунларда 11-қурилиш бошқармасининг пардозловчилари катта ишларни амалга оширишаётир. Участка бошлиғи Вазген Александрович Беджанъяннинг айтишича, телеминоранинг 203-метридан 221-метригача бўлган масофада пардоз ишлари тугалланди. Ҳозир 100-метрда Ғозғон ҳамда Украинадан келтирилган мармарлар ўрнатиляпти. Бу ишда Рауф Газизов, Рўзи Тоғаев бошлиқ пардозловчилар бригадалари кўпчиликка ибрат бўлишяпти. Прораб Қобил Каримов бошлиқ 76-қурилиш бошқармаси пардозловчилари 100-, 200-метрлардаги бинолар устини ёпишда тезкорлик билан меҳнат қилишяпти.

Телеминора қурилишида бунёдкорлар ўзига хос янгиликлар яратишди. Улар қурилиш муддатини қисқартириш борасида кўпгина ишларни амалга оширишди. Конструкцияларни йигиш учун махсус кранлар яратилди. Чунончи, телеминоранинг асосий стволини монтаж қилишда ишлатилган ва унга таяниб ҳаракат қилган мамлакатдаги энг катта мослама кран 250 метргача кўтарилди. У 25 тоннагача вазнли блокларни юқорига чиқариб турди. Қурилишда бир неча юз километр чокни пайвандлашга тўғри келди. Пайвандлаш аппаратлари ва унинг технологияси ҳам такомиллаштирилди.

—Яқин келажакда дастлабки телевизион сигналлар шу ердан тарқатила бошлайди, — дейди монтажчилар бошлиғи Рудольф Турсунов. — Минорага бешта телевизион программанинг иккитаси монтаж қилиб бўлинди. Анатолий Тюрин, Валерий Кирбятьев, Нурулла Аҳмедов бошлиқ монтажчилар бригадалари астойдил меҳнат қилишяпти. Москвадаги «Радиострой» трестига қарашли 305-қурилиш-монтаж бошқармасининг Александр Лескин бошлиқ бригадаси умумий монтаж ишлари билан шуғулланяпти. Телеминоранинг 100-метри атрофида махсус томошагоҳ ва икки қаватли бар жойлашади. Уларнинг биридa миллий таомлар, иккинчисида эса Европача таомлар тайёрланади. Бу ердан туриб тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари шаҳарни бир соат мобайнида бемалол томоша қилишлари мумкин. Чунки, томошагоҳ ва бар доира бўйлаб айланувчан қилиб ишланади. Телеминоранинг 200-метрида эса гидрометеостанция жойлашади. Ҳозирги пайтда маъмурий ва кондиционерлар залларида олиб борилаётган ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини муносиб нишонлашга ҳаракат қилаётган қурувчилар ва монтажчилар шу кунларда юбилейолди мусобақасини янада қизитиб юборишди. Улар октябрь ойигача барча қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказишга аҳд қилишган.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Суратда: Тошкент телевизион минорасининг юқори қисми кўриниши.

В. Сироткин фотоси.

РЕКЛАМА ✻ ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автомат-электр алоқаси, линия-кабель иншоотлари алоқаси, почта алоқаси, кўп каналли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва ахборотларни узатиш, бухгалтерия ҳисоби (сиртқи бўлимга).

Техник ихтисослар бўйича кундузги бўлимда 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун эса 2 йилу 8 ой; почта алоқаси ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

Техник ихтисослар бўйича 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 5 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун 3 йил; почта алоқаси бўйича ўрта маълумотлилар учун 2 йил, бухгалтерия ҳисоби ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар 2 йил ўқийдилар.

Бошқа шаҳарлардан келиб кундузги бўлимларга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кундузги бўлимда муваффақиятли ўқийдиган ўқувчилар учун ҳар ойда 30 сўмдан, аълочиларга эса 30 сўмга 25 процент қўшиб стипендия берилади.

Техникумнинг кундузги бўлимини «имтиёзли» диплом билан битирганлар ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма билан юборилади.

Техникумда ўқувчилар учун 50 процент арзон нархда овқатланиш ташкил этилган.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кундузги бўлимга ариза ва ҳужжатлар 8-синф ҳажмидаги маълумотлилардан 1 июнь—31 июнь кунлари, ўрта маълумотлилардан 1 июнь—10 август кунлари қабул қилинади. Сиртқи бўлимга эса 10 августгача ҳужжатлар қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, 2х5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кириш имтиҳонлари 8 синф ҳажмида маълумотлилардан 1—20 август кунлари: МАТЕМАТИКА (оғзаки), ОНА ТИЛИ (диктант); ўрта маълумотлилардан эса МАТЕМАТИКА (оғзаки), ОНА ТИЛИ (иншо) дан имтиҳон ўтказилади.

Техникум адреси: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, Ў. Юсупов кўчаси, 70-уй (44, 48, 97-автобуслар; 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекати). Телефонлар: 41-35-58, 41-35-68.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг савдо бошқармаси
ТОШКЕНТ САВДО—КУЛИНАРИЯ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
Ошпазлик, кондитерлик, сотувчилик, тикувчилик, ихтисосликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: ошпазлар ва кондитерлар—2 йил, сотувчилар ва тикувчилар — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ЕШДАН 20 ЕШГАЧА БЎЛГАН (ўрта маълумотли) ЕШЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар ойига 70 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Сотувчилар 32 сўмдан стипендия оладилар.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида (асли), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, справкалар: турар жойидан, медицина справкаси (286—форма), автобиография, 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Хўжанд кўчаси, 12—уй. (54 автобус, 3, 11-троллейбуслар, 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати).

СССР Гидрометеорология давлат комитетининг
ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
техникумга кирувчиларни кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган
ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: техникум директори номига ариза, ишлаётганлар иш жойидан, ўқувчилар ўқиш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни 35-кабинетда қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: 700019, Тошкент шаҳри, З. Қобулов кўчаси, 45-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 44, 48, 97-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси»бекати). Телефон 48-07-21.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/V да Юлдузли тунлар, 16/V да Зебуннисо.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ишлар бошқармаси партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ишлар мудирлигининг кекса ходими
Мунир Валиевич
БУРНАШЕВнинг
вафот этганлигини маълум қилиб, унинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда экономика ва автомобиль транспортини ташкил этиш кафедраси коллективи шу кафедра ассистенти Т. Ҳ. Ҳусановга отаси
Ҳусан
КАРИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

РАССОМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон рассомлари ҳам уч қитъа кинофорумига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар фестиваль тантаналари ўтадиган жойларни, кинотеатрларни, шаҳарнинг маданий марказларини безаш ишларида иштирок этишяпти. Анжуман кунлари гавжум бўладиган «Ўзбекистон» меҳмонхонасини безашни ҳам таниқли рассомлар ўз отаолигига олишган. Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг Кино уйи деворларига «Мангуликка даҳлдор» деган ажойиб панно ишланмоқда. Асарни таниқли рассомлар Баҳодир Жалолов ва Жавлон Умарбеков яратяпти. Панноннинг асосий ғояси тинчлик учун курашдир. Унда тинчлик учун буюк курашчилар — Пабло Пикассо, Ганс Эрни, Давид Сикайрос, Гуясамин ва бошқа рассомларнинг портретлари акс этади. Асарнинг иккинчи қисми эса, ўзбек совет кинематографиясининг тарихи, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Суратда: рассомлар Баҳодир Жалолов ва Жавлон Умарбеков иш устида.

В. Дубровский фотоси.

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА:

КУРАШ ЯКУНИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун республика шаҳар-қишлоқлари бўйлаб давом этган кўп кунлик пойга якунланди. Соврин учун курашда велосипедчилар ўн бир босқичли масофани босиб ўтдилар. Ангрен — Тошкент йўлидаги якунловчи босқичда молдавиялик Валерий Запоражан биринчи ўринни эгаллади. Барча босқичлар бўйича шахсий ҳисобда тошкентлик Александр Зиков ғалаба қозонди. Умумкоманда ҳисобида Молдавия спортчилари пешқадамлик қилишди. Тошкентлик армиячилар учинчи ўринни эгалладилар.

ШАХМАТ:

ДОНА СУРИЛГАНДА

Тошкентда аёллар ва эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатлари ўтказилмоқда. Аёллар ўртасида давом этган иккинчи тур ўйинларида андижонлик Робия Умарова халқаро гроссмейстер Валентина Борисенконни мағлубиятга учратди. Фарғоналик Грет Лим наманганлик Нонла Қурмаевадан устун келди. Эркаклар бахсида Рашид Зиятдинов Иброҳим Каримовни, Фарҳод Собиров Акрам Тошхўжаевни енгдилар. Ҳозирча аёллар ўртасида самарқандлик Лола Шакарова билан Грет Лим (Фарғона), эркаклар ўртасида тошкентлик Валерий Логиновлар икки-тадан очко тўплаб олдинда боришяпти.

ФУТБОЛ:

УЧ ПЕШҚАДАМ

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида ўтказилган ўнинчи тур ўйинларидан кейин «Ёшлик», «Соҳибкор» ва «Динамо» командалари 13 тадан очко тўплаб, пешқадамлик қилишмоқда. Тўрақўрғоннинг «Ёшлик» командаси кўрғонтепалик пахтакорчилар (3:0) билан учрашган бўлса, Халқободнинг «Соҳибкор» командаси Ўш шаҳрида «Олой» футболчилари (2:2) билан ўйнади. «Касансавец» — «Динамо» (Самарқанд) учрашувида ҳисоб очилмади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 МАЙ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — Йўл азоби. Бадиий фильм. 11.40 — Фильм-концерт. 12.05 — Социалистик мамлакатлар пойтахтлари бўйлаб. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Фераморс. Операга ёзилган балет куйлари. 16.30 — Вил ва уддала. 17.15 — Фильм-концерт. 17.45 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.15 — Поэзия. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат адреси: Газли. Коллектив нимага қодир турқумидан. 20.20 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Тинчлик велосипед пойгаси. 22.30 — Футбол. Финляндия — СССР. Танаффусда (23.15) — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 11.05 — Ф. И. Тютчев ижоди ҳақида кўрсатув. 12.05 — Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш. 12.35 — Шахмат мактаби. 15.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 15.50 — В. В. Маяковский — рассом. 16.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Рационал таъминот ва истеъмолчилик. 19.15 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.45 — Илмий-оммабоп фильм. 20.55 — Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Пирогов. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Тенгдош. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Адабий альманах. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Опера театри солистлари. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Муқаддима. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.40 — МОСКВА-II. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Ўқув программаси. 19.30 — Акробатика бўйича республика биринчилиги. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ўқув программаси. 21.30 — МОСКВА-II.

16 МАЙ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Илмий-оммабоп фильм. 10.00 — Болаларга, ҳайвонлар ҳақида. 10.30 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 1-серия. 11.35 — Саёҳатчилар клуби. 12.35 — Фильм-концерт. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Телефильм. 16.05 — Сен қонунни биласанми. 16.35 — Ерда, самода ва денгизда. 17.05 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.35 — Горнчилар, қаердасиз. 18.15 — Спорт ҳафталиги. 18.45 — Ёқилғини тежанг. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Тинчлик велосипед пойгаси. 19.50 — Сиз яратган боғ. 20.20 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Театр мемуарлари. Театр — менинг уйим. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш. 14.25 — Магнитка мактаби. 15.10 — Оила ва мактаб. 15.40 — М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Фильм-концерт. 19.15 — СССРда II халқаро музика фестивалининг очилиши. 21.30 — Время. 22.05 — Тўқнашиш. Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 — Сув полоси бўйича халқаро турнир. Греция — СССР.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Инсон ва табиат. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Шоирлар — болаларга. 19.00 — Диалектика ва замонавий илмий тафаккур. Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Эскиздан экранга. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? — 22.20 — Гирром ўйин. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — МОСКВА-II. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Телефильм. 19.10 — Авлодлар эстафетаси. 19.40 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Ўқув программаси. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

15 МАЙ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Шонли 60 йил солномаси. 12.10 — Ишчинома. 18.15 — Партия қурилиши масалалари. 19.25 — Ешлик. 20.50— Адабиёт ҳақида суҳбатлар. 21.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — Ўзбек классик қўшиқлари.

16 МАЙ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Куйла, куйла дуторим. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Диалектика ва замонавий илмий тафаккур. 11.30 — Халқ чолғу оркестри ижро этади. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 20.50 — Шеърият кечаси. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15. — Сайқал.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 14008. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 111. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12